

HAQ EVAZIGA XIZMAT KO'RSATISH SHARTNOMASI

№ 6 - сонли

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Ободонлаштириш бошкармаси, Низом асосида иш юритувчи корхона директори Умаров И.Р. бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган ООО IDEAL ASFALT BROK Низом асосида иш юритувчи жамият директори Ташкенбаев М.А. иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Шартнома мавзуси

1.1. «Пудратчи» мазкур шартномага асосан Чирчик шаҳар Мирзо-Ғолиб МФЙ ички йўллари таъмирлаш ишларини амалга ошириш мажбуриятларини олади.

II. Шартнома бўйича ишлар киймати

2.1. Мазкур шартномадаги бажариладиган ишлар ва унинг шартномавий бугунги кундаги баҳоси 348 056 999 (уч юз қирқ саккиз миллион эллик олти минг тўққиз юз тўқсон тўққиз) сўми ҚҚС билан ташкил этади.

III. Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг I бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва мудлатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни «Буюртмачи» га мазкур шартнома шартларига муфтовик топшириш;
- қурилиш майдонида зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омондорга жойлаш ва сақлаш;
- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- «Буюртмачини» пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- Қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;
- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой мудлатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналар ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
- қурилиш майдони кўрикларинини таъминлаш;
- жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун жалб қилинган барча машина-механизмлар (I-м/соат), транспорт воситалари (Iтн*км ёки Iм/соат) ҳамда пудратчининг бошқа харажатлари (% ҳисобида) га экспертиза хулосаларини тақдим этиш ёки шартномага асосан тузилган келушув баённомасини тақдим этиш;
- тақдим этилган экспертиза хулосаларини ишобатга олиб смета нархларида ишларни бажариш, объектларда бажарилган ишлар ижро ҳужжатларини (иш чизмалари, етилиб кетадиган ишлар далолатномалари, материалларга сче́т-фактуралар ва сертификатлар, ташилган юк ва машиналар реестрлари, иш олиб бориш журналлари, иш жараёнидан фото лавҳалар ва бошқалар) тўлиқ тартибда юритиш ва расмийлаштириш;
- бажарилган қурилиш-монтаж ишлари сифатини ШНК, КМК, ГОСТ ва лаборатория талаблари даражасида бўлишини таъминлайди ва тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади.
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

3.2. «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун «Буюртмачи» олдидан тўлиқ мулкый жавоб беради.

IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун «Буюртмачи»:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган «Пудратчи» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, «Пудратчидан» тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- «Пудратчининг» барча муурожаатларини беш кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб «Пудратчига» ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади.

V. Ишларни бажариш муддатлари

5.1. Шартнома томонлар уни имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва ишларни бажариш муддати 31-декабр 2022 йилгача деб белгиланади.

5.2. Пудратчи биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.3. Шартнома 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади.

VI. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

6.1. «Буюртмачи» «Пудратчига» шартнома имзолангандан кейин объектга маблағ ажратилишига қараб 30% аванс миқдорини жорий чоракда қўйилаётган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб, Пудратчи ҳисоб рақамига ўтказлади. Шартнома суммасининг 70% қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш далолатномалари тарафлар томонидан тасдиқлангандан сўнг 5 банк иш кунинда амалга оширилади.

6.2. «Буюртмачи» бажарилган ишлар учун тўловни «Пудратчига» ҳар ойда тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга оширади.

VII. Ишларни бажариш

7.1. «Буюртмачи» қурилиш майдоини ўз вақилини - Техник назоратчини тайинлайди, у «Буюртмачи»нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратини амалга оширади, шунингдек «Пудратчи» томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мавофиклигини текширади.

7.2. Техник назоратчи ишлар бажарилишини ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадирлар.

7.3. «Пудратчи» Техник назоратчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдоинида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

7.4. «Пудратчи» ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектида ишларни бажаришни ташкил этади.

7.5. «Пудратчи» объектида ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишадилар ва унга риоя этилиши учун қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

7.6. Қурилиш майдоинида умумий тартибни таъминлаш «Пудратчи»нинг вазифаси ҳисобланади.

7.7. «Пудратчи» геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, «Пудратчи» «Буюртмачи» билан келишилган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

7.8. «Пудратчи» геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича «Буюртмачи» га беради.

7.9. Қурилиш майдоинида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча узушни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни «Пудратчи» амалга оширади.

7.10. «Пудратчи» ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қуриш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутлов буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификасияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини қўғоқлайди.

7.11. Алоҳида маъсулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин «Пудратчи» «Буюртмачи» ва Давархитектура-қурилиш назорат инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

7.12. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги «Буюртмачи» ва «Пудратчи» томонидан маъсул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектура-қурилиш назорат» инспекцияси билан келишилган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

7.13. «Пудратчи» «Буюртмачи» нинг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейин ишларни бажаришга киришади.

7.14. Агар беркитиладиган ишлар «Буюртмачи» нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақида хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича «Пудратчи» «Буюртмачи» нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

«Пудратчи» «Буюртмачи» нинг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлиги исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

7.15. Агар «Буюртмачи» «Пудратчи» ёки унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда «Пудратчи» ўз кучи билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан Ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 31-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар «Пудратчи» сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаса, «Пудратчи» уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида отказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

7.16. «Пудратчи» қурилиш майдонини ва унга тегишли кўчани, шу жумладан йўл булаклари ва йўлакчаларни супуриб-сидириб ва озода сақлайди, қуриш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

7.17. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача «Пудратчи» ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, «Буюртмачи» ва «Пудратчи»нинг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолларида ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиш мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар «Буюртмачи» ишларнинг бориши ва сифатидан ёки «Пудратчи» нинг қайдиларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

«Пудратчи» дафтарда «Буюртмачи» томонидан асоели равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

9.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида қелиб қолса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзасига келтирган вақтга муносиб равишда узайтирилади.

9.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қўн вақтгача чўзилса, у ҳолда «Пудратчи» ва «Буюртмачи» ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

9.3. Агар томонлар икки ой ичида қелишса олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилиниши талаб қилишга ҳақлидирлар.

IX. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

10.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишни, объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ «Пудратчи», «Буюртмачи»га белгиланган тартибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. «Пудратчи», «Буюртмачи»га лаборатория ҳулосаси ва банк обмер такдим қилингандан кейин қабул қилади. Ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос қелишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

10.2. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект «Буюртмачи»нинг мулкига айланади.

X. Кафолатлар

11.1. «Пудратчи»:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қодалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларига, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
 - ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилишни;
- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

11.2. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзоланган кундан бошлаб камида 36 ой этиб белгиланади. Объектнинг қафолатли муддати 36 ой этиб белгиланади.

11.3. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишнинг давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар «Пудратчи» томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари «Пудратчи» ва «Буюртмачи»нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар «Пудратчи» бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда «Буюртмачи» мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган қафолат суммасини «Пудратчи»дан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

11.4. «Пудратчи» нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектурулиш назорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини итисено этмайди.

XI. Шартномани бекор қилиш.

12.1. «Буюртмачи»

- шартнома қучга қиргандан кейин қурилишнинг бошланиши «Буюртмачи»га боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра «Пудратчи» томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
 - ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, «Пудратчи» томонидан ишларни бажариш жалвалига риоя этилмаганда;
 - Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартномани бекор қилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига қўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади. Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

12.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидага мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

12.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берган фойдани тўлайди.

12.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур Шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

13.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни қоплайди:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик қоллексида, Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси белгиланган Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдоридан пеня тўлайди. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

13.2. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳужминини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош торганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош торган сумманинг 10 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

13.3. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня

тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартарф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

13.4. Агар бажарган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашда бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи миқдорда жарима ундириш ҳуқуқига эга.

13.5. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдала ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарни қоплайди.

13.6. Муддати ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни Ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

14.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар белгиланган тартибда талабнома бериш йули билан ҳал этадилар. Талабнома олган томон 15 кунлик муддат ичида қуриб чиқади. Қелишув йули билан ҳал этилмаган тақдирда, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилади.

XIV Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида

14.1.Томонлар Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунга соғиз амал қилиши коррупцияга қарши белгиланган сиёсат ёки тизим талабларини бузган томонларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 205-206-,207-,208-,209-,210-,211-,212-,213-,214—моддалари асосида жазо муқаррарлигини инобатга олган ҳолда, шартнома тарафлари коррупцион ҳолатга йўл қоймаслик мажбуриятини олади.

XV. Алоҳида шартлар

15.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро қелишувлари ўз кучини йўқотади.

15.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатсиз, субпудратчилардан ташқари, бирор-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

15.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

15.4. Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан қелиб қикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

15.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳолатлар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

15.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

XVI. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

«Буюртмачи»

Ободонлаштириш Бошқармаси
Манзил: Чирчиқ шаҳар Саодат кучаси

Тел: 70-71-6-51-84

х/р 100022860274197045201110004

ИНН 204052085 ОКЭД 39000

Чирчиқ шаҳар Ғазначилик бўлими

х/р 23402000300100001010

МФӨ 00014-ИНН-201121919



Директор: Умаров И.Р.

«Ўзгратчи»

ИЧКИ IDEAL ASFALT BROK


Манзил: Тошкент шаҳар Яшнобод тумани
Бешариқ ва Ўрта тинчлик кўчалари кесишувда
х/р 20208000705351798001


Тошкент ш. ЧИФ Миллий Банкнинг Бектемир
ф-д МФӨ 00930

ИНН 308214133 ОКЭД 142110

ККК - статистика бўлимининг рўйхатга олиш коди
320080151502

Директор: Шайхенов М.А.



	Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	ILXOM UMAROV RUSTAMOVICH
	Imzolangan sana	09.12.2022 11:49
	Hujjat kodi	DG2448284265
	Hulosa kodi	BL8141643231

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

BL8141643231

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: CHIRCHIQ SHAHAR OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI hamda IDEAL ASFALT BROK MCHJ o'rtasida Chirchiq shahar Mirzo G'olib ichki yo'llarini ta'minlash to'g'risida;
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: CHIRCHIQ SHAHAR OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI tomonidan 05.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Eslatma: Yurist shartnoma qiymati (summasi uchun) javobgar sanalmaydi.

Chirchiq shahar
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:



S.M.IMOMALIYEV

09.12.2022

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 196390 на приобретение Отбор наилучших предложений

Способ проведения электронный

Дата 01.12.2022

Время рассмотрения 01.12.2022 15:45

Закупочная комиссия Управление благоустройства города Чирчика, (Далее – Комиссия) в составе:

Член комиссии	Fmankulov Avaz Hakimovich	участка устаси	Ободонлаштириш Бошқармаси
Председатель комиссии	UMAROV ILXOM RUSTAMOVICH	Бошкарма бошлиги	Ободонлаштириш бошкармаси
Секретарь комиссии	BEGMETOVA IRODA SUYARKULOVA	иш юрутувчи	Управление Благоустройства
Член комиссии	SHOLPANKULOVA AYGUL ABDIXASIMOVNA	экономист	Управление благоустройства
Член комиссии	ISAYEV AZIZ ABDULLA O'G'LI	булим бошлиги инфратузилма объект	Управление Благоустройства
Член комиссии	MAVLYANOVA GULCHEXRA MIRZAKARIMOVNA	мухандис	Управление Благоустройства
Член комиссии	NURMETOV XASAN TOJBAYEVICH	зав склад	Управление Благоустройства
Член комиссии	XUDOYAROV TOXIR BAXADIROVICH	главный инженер	Ободонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 01.12.2022 года № лота 196390.
Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	352 517 731.00
Стартовая сумма	352 517 731.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 узига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб - таомилларнинг мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: pdf

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП QIBRAY TUMAN YO'LLARDAN FO	15	352517731	10	Экспертная		
ООО FREIGHT SERVICES	15	15	15	Экспертная		
ООО IDEAL ASFALT BROK	15	25	15	Экспертная		

Критерий №2 шартнома тузиш учун конуний хукукка эгалик

Тип: Текстовое значение

Описание: pdf

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП QIBRAY TUMAN YO'LLARDAN FO	10	352517731	10	Экспертная		
ООО FREIGHT SERVICES	10	10	10	Экспертная		
ООО IDEAL ASFALT BROK	10	16,67	10	Экспертная		

Критерий №3 солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: pdf

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП QIBRAY TUMAN YO'LLARDAN FO	10	352517731	8	Экспертная		
ООО FREIGHT SERVICES	10	10	10	Экспертная		
ООО IDEAL ASFALT BROK	10	16,67	10	Экспертная		

Критерий №4 шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларининг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: pdf

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП QIBRAY TUMAN YO'LLARDAN FO	15	352517731	14	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO FREIGHT SERVICES	15	15	14	Экспертная		
OOO IDEAL ASFALT BROK	15	25	15	Экспертная		

Критерий №5 инсофсиз ижрочиларининг ягона реестрида кайд этилмаганлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: пдф

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП QIBRAY TUMAN YO'LLARDAN FO	10	352517731	10	Экспертная		
OOO FREIGHT SERVICES	10	10	10	Экспертная		
OOO IDEAL ASFALT BROK	10	16,67	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
УП QIBRAY TUMAN YO'LLARDAN FO	352 517 731.00	352 517 731.00 UZS	352 517 731.00	00.00	352 517 731.00	28.11.2022 22:25:45	98.73461
OOO FREIGHT SERVICES	352 517 731.00	350 000 000.00 UZS	350 000 000.00	00.00	350 000 000.00	29.11.2022 08:55:45	99.44486
OOO IDEAL ASFALT BROK	352 517 731.00	348 056 999.00 UZS	348 056 999.00	00.00	348 056 999.00	29.11.2022 15:04:50	100

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
УП QIBRAY TUMAN YO'LLARDAN FO	Прошел	98.73461	98.73461
OOO FREIGHT SERVICES	Прошел	99.44486	99.44486
OOO IDEAL ASFALT BROK	Прошел	100	100

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 196390 от 01.12.2022 года на приобретение Отбор наилучших предложений определила победителем:

OOO IDEAL ASFALT BROK
308244133

и резервный исполнитель: ООО FREIGHT SERVICES (302335775)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	UMAROV ILXOM RUSTAMOVICH	Согласен	
Член комиссии	SHOLPANKULOVA AYGUL ABDIXASIMOVNA	Согласен	
Член комиссии	ISAYEV AZIZ ABDULLA O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	MAVLYANOVA GULCHEXRA MIRZAKARIMOVNA	Согласен	
Член комиссии	NURMETOV XASAN TOJIBAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	XUDOYAROV TOXIR BAXADIROVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"IDEAL ASFALT BROK" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"IDEAL ASFALT BROK" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

01.03.2021

957951

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

308244133

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Yashnobod tumani, BESHARIQ VA BIRLASHGAN
KO'CHALARI KESISHUVIDA.

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Yashnobod tumani, DAVLAT
KIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



ООО "IDEAL ASFALT BROK"

город Ташкент Яшнабадский район, пересечение
улиц Бешарик и Бирлашган,
P/c: 2020 8000 7053 5179 8001 (sum)
P/c: 2020 8840 0053 5179 8001 (usd)
P/c: 2020 8978 3053 5179 8001 (euro)
в НБ ВЭД РУз Бектемирский филиал
МФО: 00930, ИНН: 308 244 133.



Toshkent sh.Yashnabod tum. Besharik va
Birlashgan ko'chalarini kesishuvini
X/r: 2020 8000 7053 5179 8001 (sum)
X/r: 2020 8840 0053 5179 8001 (usd)
X/r: 2020 8978 3053 5179 8001 (euro)
NB VED Bektimir filiali.
MFO: 00930, INN: 308 244 133.

Republic of Uzbekistan Tashkent city Yashnabad district intersection of Besharik and Birlashgan streets

Payment account 2020 8000 7053 5179 8001. In the National Bank of the republic of Uzbekistan of the Bektimir branch
Bank code 00930. Identification number 308 244 133. Tel: 90.005-50-44 99.804-50-44 97.111-50-44. e.mail. mubin-s@mail.ru

Per. № 70

от 29.11.2022 г.

Тошкент вилояти Чирчик шаҳар
Ободонлаштириш
Бошкармаси бошлиғига

Кафолат хати

"IDEAL ASFALT BROK" МЧЖ Сизга шуни маълум қилиб **КАФОЛАТ** берадики, Тошкент вилояти Чирчик шаҳри ҳудудидаги Мирза Голиб МФЙ ички хужалик йулларини 348 056 999,00 (Уч юз қирк саккиз миллион эллик олти минг тўққиз юз тўқсон тўққиз) сум маблагига лойиха – смета ҳужжатларида курсатилган иш турларини бажаришга **КАФОЛАТ** беради

Ҳурмат билан!
Бош директор

"IDEAL ASFALT BROK" МЧЖ



Ташкенбаев М.А.